

**Акциядорлик жамияти шаклидаги  
«Хоразм Shakar» қўшма корхонаси  
акциядорларининг 2014 йил  
30 июндаги навбатдан ташқари умумий  
йиғилишида тасдиқланган.**

**Акциядорлик жамияти шаклидаги «Хоразм Shakar» қўшма корхонаси  
Кузатув Кенгаши тўғрисида**

**НИЗОМ**

(янги)

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом акциядорлик жамияти шаклидаги «Хоразм Shakar» қўшма корхонаси Кузатув Кенгашининг (кейинги ўринларда матнда “Кузатув Кенгаши” деб юритилади) мақомини аниқлайди ва унинг иштини, кенгашга аъзоларини сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, шунингдек, акциядорлик жамияти шаклидаги «Хоразм Shakar» қўшма корхонасининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Қонун билан факат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

1.4. Жамият Кузатув Кенгашининг сон таркиби Устав ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Акциядорлик жамияти шаклидаги «Хоразм Shakar» қўшма корхонаси акциядорларининг сони 500 нафардан кам бўлганлиги учун Кузатув кенгашининг таркиби 5 нафар аъзодан таркиб топади.

1.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув Кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва Кузатув Кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

**II. Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатлари доираси**

2.1. Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаш;
- жамият акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши санаси, вақти ва ўтказиш жойини белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларнинг рўйхатини тузиш, реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг

иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг иш фаолиятини тартибга солувчи низомни тасдиқлаш;

- агар жамиятнинг йиллик бизнес-режани тасдиқлаш жамият уставида Кузатов Кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса, ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Кузатов Кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Кузатов Кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш, шунингдек ҳар йили ички аудит ходимларини аттестациядан ўтказиш;

- жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Кузатов Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатов Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

- агар жамият уставига кўра ушбу масалалар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилмаган бўлса, аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда йирик ва мафаатдорлик битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорлик жамиятининг бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотлари иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

- йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида яқка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган (Бош директор)нинг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш ҳамда яқка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган (Бош директор) томонидан жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари кўпол равишда бузилган ёки уларни бажариш барбод қилинган тақдирда у билан тузилган шартномани муддатидан олдин тўхтатиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори ва жамиятнинг Уставига мувофиқ жамият Кузатов Кенгаши ваколатлари доирасига қуйидаги масалалар ҳам киритилиши мумкин:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни

жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқарига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- хосилали қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- яккабошлик асосидаги ижроия орган раҳбари (Бош директор)ни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- яккабошлик асосидаги ижроия орган раҳбарига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва жамият Уставига мувофиқ Кузатув Кенгаши ваколатига бошқа масалаларни ҳал қилиш ваколати берилиши мумкин.

Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал этиш учун жамиятнинг яккабошлик асосида раҳбарлик қилувчи ижроия органи раҳбари (Бош директор)га ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. Кузатув Кенгашини сайлаш.**

3.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

3.2. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Жамият яккабошлик асосидаги ижроия органи раҳбари (Бош директор) Кузатув кенгаши таркибига сайланиши мумкин эмас.

3.4. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият Устави билан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6. Жамият Кузатув Кенгашининг сон таркиби Устав билан белгилаб қўйилади.

3.7. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

3.8. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув Кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

### **IV. Жамият Кузатув Кенгашининг раиси.**

4.1. Агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият Кузатув Кенгашининг раиси Кузатув Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият Кузатув Кенгаши ўз раисини Кузатув Кенгаши жамият аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

4.3. Кузатув Кенгаши раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув Кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишини очади, унинг раёсати таркибига киради ва унда раислик қилади.

4.4. Жамият Кузатув Кенгашининг раиси акциядорлик жамияти номидан якка бошчилик қилувчи ижро этувчи органи раҳбари (Бош Директор)ни ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини имзолайди.

4.5. Жамият Кузатув Кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув Кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

## V. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси.

5.1. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси Кузатув Кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув Кенгаши аъзосининг, тафтиш комиссиясининг, жамиятнинг ижро этувчи органининг, шунингдек, жамият Устави билан белгилаб қўйилган бошқа шахсларнинг талабига биноан чакирилади. Жамият Кузатув Кенгаши мажлисини чакириш ва уни ўтказиш тартиби Уставда белгилаб қўйилади.

5.2. Кузатув Кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади лекин, у Кузатув Кенгашига сайланган аъзолари умумий сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатув Кенгаши аъзолари сони Устав билан назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жамият Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг фавқулдда (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши чакирилиши шарт. Кузатув Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай фавқулдда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чакириш, шунингдек, яккабошлик асосидаги ижроия орган раҳбари (Бош директор) ўз ваколатини муддатидан илгари тугатганда унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

5.3. Кузатув Кенгаши мажлисидаги қарорлар, агар Кузатув Кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва жамият Уставида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси 2 ва 4 қисмида кўрсатилган масалалар юзасидан қабул қилинадиган қарорлар жамият Кузатув Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.4. Жамият Кузатув Кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал этиш чоғида жамият Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

5.5. Кузатув Кенгаши бир аъзоси ўз овозини Кузатув Кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди. Жамият Уставида Кузатув Кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Кузатув Кенгашининг қарорини қабул қилишда жамият Кузатув Кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

5.6. Кузатув Кенгаши мажлисларида баённома юритилади. Кузатув Кенгаши йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тузилади.

5.7. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.8. Кузатув Кенгаши мажлиси баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгардирлар.

5.9. Жамият кузатув Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият Кузатув Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.10. Жамият Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамият яккабошлик асосида раҳбарлик қилиувчи ижроия органи (Бош директор)га ижро этиш учун топширилади. Кузатув Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Кузатув Кенгашининг мажлиси ўтказилган куни топширилади.

### **VI. Кузатув Кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1. Кузатув Кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув Кенгаш йиғилишида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- Кузатув Кенгашининг қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида барча тўлиқ ва ишончли ишлаб чиқариш ҳамда молия ахборотини олиш;
- Кузатув Кенгашда ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш жамият уставида назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш. Кузатув Кенгашининг аъзолари учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.2. Кузатув Кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув Кенгаш раиси томонидан Кузатув Кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

6.3. Кузатув Кенгаш аъзолари битимларни тузувчи томонлардан бири акциядорлик жамияти ҳисобланган битимда молиявий манфаатдорликка эга бўлган ҳолларда, шунингдек Кузатув Кенгаш аъзоси билан акциядорлик жамияти манфаатлари бошқача тарзда зиддиятли ҳолларда, Кузатув Кенгаш аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатув Кенгашга битим тузилгунга қадар хабар беришга мажбурдир, битим тўғрисидаги қарор эса бундай манфаатдорликка эга бўлмаган Кузатув Кенгашининг кўпчилик аъзолари, ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида кўпчилик акциядорлар томонидан қабул қилиниши керак. Бунда улар бундай битим юзасидан на муҳокамаларда, на қарорлар қабул қилишда қатнашмайдилар.

6.4. Кузатув Кенгаш аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция қилинган барча шахслари:

- бундай битимнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;
- битимларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизга эга бўлсалар;

битим томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахс бошқарув органларида лавозимини эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар.

6.5. Кузатув Кенгаш аъзолари бевосита ёки билвосита Кузатув Кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

6.6. Кузатув Кенгаш аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалар тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

6.7. Кузатув Кенгаш аъзолари ўзларининг лавозими мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

## **VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги**

7.1. Кузатув Кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар келтирувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув Кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга келтирилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатув Кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.